

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган **Иштихон туман Ободонлаштириш бошқармаси** томонидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар **А.Х.Ибрагимов** бир томондан, кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган номидан «**OQDARYO ZARAFSHON QURUVCHI**» масъулияти чекланган жамияти Низом асосида иш юритувчи **Н.С.Жалилов** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

#### 1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Иштихон тумани Бойтуби МФЙ Питов кишлоқ ички йулларини таъмирлаш ишлари** тайёр ҳолда топшириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил “16”

декабрдаги 208761-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **1 172 000 000.0 (Бир миллиард бир юз етмиш икки миллион) сўми** ташкил қилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг **II бўлимида** назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда мазкур шартномага 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

**10. Шартнома: 2022 йил “ 21 ” декбрдан бошлаб кучга кирази ва 2022 йил “31”декабргача амал қилади.**

миллий валюта “сўмда” ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўткази, бу **351 600 000.0 (Уч юз эллик бир миллион олти юз минг) сўмни** ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади ( 1-илова).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул қилиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичида Буюртмачи қолган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг **VI бўлимида** кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

28. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

32. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

### **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

#### **33. Буюртмачи:**

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### **34. Пудратчи:**

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

39. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлари бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир куни учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

40. Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни етказиб берганлик учун "Ижрочи" "Давлат буюртмачиси"га сифати лозим даражада бўлмаган товар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

41. “Давлат буюртмачиси” етказиб берилган товарлар учун тўловни кечиктирганлик учун тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун қарз суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин тўлови кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

42. Шартномада белгиланган муддатда товарларни танлаб олмаганлик ёки шартномада белгиланган муддатда етказиб берилган товарларни қабул қилишни асоссиз рад этганлик учун “Давлат буюртмачиси” “Ижрочи”га танлаб олинмаган товарлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

43. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## **XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

45. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз кучини йўқотади.

46. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

47. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

48. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

## **XVII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ**

49. Томонлар:

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо , бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизлиларини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбарлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

Томонда ушбу Шартноманинг 49. бандаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OQDARYO ZARAFSHON QURUVCHI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"OQDARYO ZARAFSHON QURUVCHI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.05.2017

520368

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

304907608

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Oqdaryo tumani, Loyish, A.Temur ko'chasi ,

Guvohnoma:

Samarqand viloyati, Oqdaryo tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

to'mondan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN  
O'TGANLIGI TO'G'RISIDA  
GUVOHNOMA**

**СВИДЕТЕЛЬСТВО  
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА  
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ**

**QQS RO'YXAT RAQAMI  
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС 318080029308**

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Soliq to'lovchining nomi Наименование налогоплательщика	<b>ООО "OQDARYO ZARAFSHON QURUVCHI"</b>
Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami Идентификационный номер налогоплательщика	<b>304907608</b>
Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lgan sana Дата с которой лицо становится плательщиком НДС	<b>01.01.2019</b>
Ro'yxatdan o'tish sanasi Дата регистрации	<b>18.01.2019</b>



Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.  
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 208761 на приобретение Иштихон тумани Бойтуби МФЙ Питов кишлок 2,3 км ички йулларини таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 16.12.2022

Время рассмотрения 07.12.2022 16:24

Конкурсная комиссия Иштихон туман ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	BERDIRASULOV UCHKUN XUDOYKULOVICH	Бош мухандис	Комиссия раиси
<b>Секретарь комиссии</b>	ELMURODOV QAHRAMON HASANOVICH	назоратчи	Иштихон туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	NASIRDINOV KAMOLIDDIN G'AYBULLAYEVICH	Техник хафсизлиги мухандиси	Комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	XIBBIMOV TULKIN BOLTA'YEVICH	Агроном	Комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	SOHIBOV ABDUHOMIT ABDULLAYEVICH	Иктисодчи	Комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	SAYDULLAYEV ABDURASUL RUSTAM O'G'LI	Булим бошлиги	Комиссия аъзоси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.12.2022 года № лота 208761.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Иштихон тумани Бойтуби МФЙ Питов кишлок 2,5 км ички йулларини таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	1173 519 684.00
Стартовая сумма	1173 519 684.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ташкилот давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги хужжатлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги хужжатлар. (Иштирокчи қуйидагиларни тақдим этиши шарт: - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома; - таъсис хужжатлари; - таъсисчиларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлар, банк реквизитлари, Рейтинг Пудратчининг Курилиш вазирлиги махсус электрон порталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида маълумот)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО 505-SON MKMK</b>	20	Ташкилотнинг мақомини белгиловчи ҳужжатлари	15	Экспертная		
<b>ООО OQDARYO ZARAFSHON QURUVCH</b>	20	Ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатлар. (Иштирокчи қуйидагиларни тақдим этиши шарт: - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома; - таъсис ҳужжатлари; - таъсисчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, банк реквизитлари, Рейтинг Пудратчининг Курилиш вазирлиги махсус электрон порталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида маълумот)	20	Экспертная		
<b>GRANT ME'MOR QURUVCHI SERVIS</b>	20	Юкланган	10	Экспертная		
<b>ООО KATTAQO'RG'ON YO'L QURISH-TA'MIRLASH</b>	20	+	5	Экспертная		

Критерий №2 Давлат солиқ қўмитасидан қарздорлиги бўйича маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат солиқ қўмитасидан қарздорлиги бўйича маълумот ( ДСИ қарз эмаслиги тўғрисида маълумотлар элон берилган санадан кейинги санада олдинган бўлиши шарт.)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО 505-SON MKMK</b>	10	Ташкилотнинг солиқ ва мажбурий туловлардан қарздорлиги йуқлигини тасдиқловчи my.soliq.uz сайтида олинган маълумот	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
<b>ООО OQDARYO ZARAFSHON QURUVCH</b>	10	Давлат солиқ қўмитасидан қарздорлиги бўйича маълумот ( ДСИ қарз эмаслиги тўғрисида маълумотлар элон берилган санадан кейинги санада олдинган бўлиши шарт.)	10	Экспертная		
<b>GRANT ME'MOR QURUVCHI SERVIS</b>	10	Юкланган	10	Экспертная		
<b>ООО KATTAQO'RG'ON YO'L QURISH-TA'MIRLASH</b>	10	+	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №3 Мутахассис ишчи ходимлар тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимлар тўғрисида Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олинши ҳамда ходимларнинг паспорт ва диплом нусхалари)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО 505-SON MKMK</b>	15	Ташкилотда фаолият юритувчи ишчи ходимлар тугрисида маълумот. Мехнат.уз сайти маълумотлари асосида	14	Экспертная		
<b>ООО OQDARYO ZARAFSHON QURUVCH</b>	15	Ишчи ходимлар тўғрисида Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олинши хамда ходимларнинг паспорт ва диплом нусхалари)	15	Экспертная		
<b>GRANT ME`MOR QURUVCHI SERVIS</b>	15	Юкланган	14	Экспертная		
<b>ООО KATTAQO`RG`ON YO`L QURISH-TA`MIRLASH</b>	15	+	10	Экспертная		

#### Критерий №4 Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш тажрибаси ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган йул курилиш ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш объектларда бажарган ишлари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО 505-SON MKMK</b>	20	Утган давр мобайнида бажарилган ишлар тугрисида маълумотлар.Бажарилган ишлар далолатномалари	20	Экспертная		
<b>ООО OQDARYO ZARAFSHON QURUVCH</b>	20	Иш тажрибаси ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган йул курилиш ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш объектларда бажарган ишлари тўғрисида маълумот	20	Экспертная		
<b>GRANT ME`MOR QURUVCHI SERVIS</b>	20	Юкланган	20	Экспертная		
<b>ООО KATTAQO`RG`ON YO`L QURISH-TA`MIRLASH</b>	20	+	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

#### Критерий №5 Рейтинг даражаси эгалиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш категориясида Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт (Пудратчининг Рейтинг даражаси Курилиш вазирлиги махсус электрон порталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида маълумот)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО 505-SON MKMK</b>	10	Ташкилотнинг рейтинг курсаткичини белгиловчи маълумотнома махсус сайт	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		маълумотлари асосида келтирилган				
<b>ООО OQDARYO ZARAFSHON QURUVCH</b>	10	Курилиш категориясида Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт (Пудратчининг Рейтинг даражаси Курилиш вазирлиги махсус электрон порталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида маълумот)	5	Экспертная		
<b>GRANT ME`MOR QURUVCHI SERVIS</b>	10	Юкланган	5	Экспертная		
<b>ООО KATTAQO`RG`ON YO`L QURISH-TA`MIRLASH</b>	10	Ташкилот номи: "KATTAQO`RG`ON YO`L QURISH-TA`MIRLASH" mas`uliyati cheklangan jamiyati Рейтинг: CC	10	Экспертная		

#### Критерий №6 Машина механизмлар тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина механизмлар тўғрисида Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хакида маълумотлар ёки керакали машина ва механизмлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати, ижара шартномаси )

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО 505-SON MKMK</b>	25	Техникалар тугрисида маълумот	25	Экспертная		
<b>ООО OQDARYO ZARAFSHON QURUVCH</b>	25	Машина механизмлар тўғрисида Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хакида маълумотлар ёки керакали машина ва механизмлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати, ижара шартномаси )	20	Экспертная		
<b>GRANT ME`MOR QURUVCHI SERVIS</b>	25	Юкланган	15	Экспертная		
<b>ООО KATTAQO`RG`ON YO`L QURISH-TA`MIRLASH</b>	25	+	15	Экспертная		

Финансовое значение

#### Наименование товара: Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог

Наименование участника	Ценовые предложения			Порядок оценки ценовых предложений	
	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
<b>ООО 505-SON MKMK</b>	1 173 519 684.00	1 114 843 700.00 UZS	1 114 843 700.00	00.00	1 114 843 700.00
<b>GRANT ME`MOR QURUVCHI SERVIS</b>	1 173 519 684.00	1 158 785 620.00 UZS	1 158 785 620.00	00.00	1 158 785 620.00
<b>ООО KATTAQO`RG`ON YO`L QURISH-TA`MIRLASH</b>	1 173 519 684.00	1 114 845 065.00 UZS	1 114 845 065.00	00.00	1 114 845 065.00

<b>ООО ОQDARYO ZARAFSHON QURUVCH</b>	1 173 519 684.00	1 172 000 000.00 UZS	1 172 000 000.00	00.00	1 172 000 000.00
--------------------------------------	------------------	----------------------	------------------	-------	------------------

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 1 173 519 684.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>GRANT ME`MOR QURUVCHI SERVIS</b>	1 158 785 620.00 UZS	1 158 785 620.00	00.00	00.00	1 158 785 620.00	16.12.2022 10:35:51	10
<b>ООО ОQDARYO ZARAFSHON QURUVCH</b>	1 172 000 000.00 UZS	1 172 000 000.00	00.00	00.00	1 172 000 000.00	16.12.2022 02:49:34	9.88725

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО 505-SON MKMK</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>GRANT ME`MOR QURUVCHI SERVIS</b>	66.6	10	76.6
<b>ООО KATTAQO`RG`ON YO`L QURISH-TA`MIRLASH</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>ООО ОQDARYO ZARAFSHON QURUVCH</b>	81	9.88725	90.88725

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 208761 от 16.12.2022 года на приобретение Иштихон тумани Бойтуби МФЙ Питов кишлок 2,3 км ички йулларини таъмирлаш ишлари определила победителем:

ООО ОQDARYO ZARAFSHON QURUVCH  
304907608

и резервный исполнитель: GRANT ME`MOR QURUVCHI SERVIS ( 304398958 )

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	BERDIRASULOV UCHKUN XUDOYKULOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NASIRDINOV KAMOLIDDIN G`AYBULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XIBBIMOV TULKIN BOLTAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SOHIBOV ABDUHOMIT ABDULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAYDULLAYEV ABDURASUL RUSTAM O`G`LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП